

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КОМПЛЕКСНИНГ ҲУДУДИЙ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодий тармоқлари корхоналари ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришда уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ йўналтирилган ва тизимли ишлар олиб боришда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекс ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини кучайтириш, шу асосда банд бўлмаган аҳолини, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларини ҳал қилиш мақсадида:

1. 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларини аҳоли бандлигини ошириш учун моддий рағбатлантириш ва шахсий масъулиятини кучайтириш тизимини жорий этиш, унга мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари аҳоли бандлиги ўсишининг тасдиқланган ҳар чорак прогноз кўрсаткичлари (кейинги ўринларда — прогноз кўрсаткичлари) бажарилишини таъминлаган тақдирда уларга лавозим маошларининг 15 фоизи миқдорда мукофот тўланади, прогноз кўрсаткичлари бажарилиши таъминланмаган тақдирда лавозим маошларининг 15 фоизи миқдорда жарима шаклида интизомий жазо чоралари қўлланилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарларига, иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларига прогноз кўрсаткичлари бажарилиши таъминланган тақдирда лавозим маошларининг 20 фоизи миқдорда мукофот тўланади, прогноз кўрсаткичлари

бажарилиши таъминланмаган тақдирда лавозим маошларининг 20 фоизи миқдорда жарима солинади.

2. Қуйидагилар:

Аҳоли бандлиги ўсишининг прогноз кўрсаткичларини бажарганлиги учун маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш ва шахсий масъулиятини кучайтириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида 2017 йилнинг III ва IV чорагида аҳоли бандлиги ўсишининг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда 2017 йилнинг III ва IV чорагида аҳоли бандлиги ўсишини таъминлаш ҳудудий прогноз кўрсаткичларини туман ва шаҳарлар кесимида тасдиқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йилдан бошлаб:

аҳоли бандлиги ўсишининг прогноз кўрсаткичлари республикамиз ҳудудлари кесимида ҳар чорак бўйича тақсимланган ҳолда, тасдиқланган ҳудудий ва тармоқ ривожланиш дастурларига мувофиқ ташкил қилинадиган доимий иш ўринлари кўрсаткичларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган ҳар йилги Аҳоли бандлиги дастурига киритилади;

аҳоли бандлиги ўсишининг прогноз кўрсаткичлари шаҳар ва туманлар кесимида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимликлари томонидан тасдиқланган ҳар йилги аҳоли бандлиги манзилли ҳудудий дастурларига киритилади.

4. Қуйидагилар белгилансин:

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва уларнинг биринчи ўринбосарларига ҳамда иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларига мукофот ёки жарима ҳажмини белгилаш учун асос бўладиган аҳоли бандлиги ўсиши кўрсаткичларини аниқлашда банд аҳоли сонининг тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан ўзгариши ҳисобланади;

банд аҳоли сони Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаётган фуқаролар умумий сони асосида аниқланади;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва уларнинг биринчи ўринбосарлари ҳамда иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларига мукофот бериш ва уларнинг ойлик маошидан жарима ундириш ҳар чорак прогноз кўрсаткичлари бажарилиши натижаларига кўра келгуси чорак давомида амалга оширилади.

5. Маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларини аҳоли бандлигини ошириш учун моддий рағбатлантириш ва шахсий масъулиятини кучайтириш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) таркиби 3-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Комиссия (А.Н.Арипов):

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан прогноз кўрсаткичларининг ҳудудлар

кесимида бажарилиши тўғрисида киритилган маълумотлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринбосарларига нисбатан уларни моддий рағбатлантириш ва шахсий масъулиятини кучайтириш чораларини қўллаш ҳақидаги масалани ҳар чорак якунлари бўйича кўриб чиқсин;

аҳоли бандлиги прогноз кўрсаткичларини бажариш учун моддий рағбатлантириш ва шахсий масъулиятини кучайтириш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар, шунингдек, иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларига нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо қўллаш бўйича тегишли чоралар қўриш тўғрисида тақлифлар киритсин.

Комиссияга, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги ва Меҳнат вазирлиги, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг прогноз кўрсаткичлари амалда бажарилиши динамикасида келиб чиққан ҳолда ишлаб чиққан асосланган тақлифлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида тасдиқланган 2017 йилнинг III ва IV чорагида аҳоли бандлиги ўсиш прогноз кўрсаткичларига ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Белгилансинки, прогноз кўрсаткичлари бажарилганлиги учун мукофотлар тўлаш, бажарилмаганлиги учун лавозим маошларидан жарималар ундириш қўйидаги тартибда амалга оширилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда уларнинг биринчи ўринбосарларига — Комиссиянинг тақдирномаси бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида;

шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда уларнинг биринчи ўринбосарларига — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари қарорлари асосида;

иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларига — иқтисодий комплекснинг республика органлари раҳбарлари қарорлари асосида.

7. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари, шунингдек, иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларига мукофотлар тўлаш манбаи бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди ҳисобланади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари, иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарлари ўз иш фаолиятида иқтисодий тармоқлари корхоналари ҳамда тадбиркорлик субъектларига улар фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни, жумладан, жойларга чиққан ҳолда тизимли ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатиш, шу асосда банд бўлмаган аҳолини, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга

жойлаштириш масалаларини ҳал қилишга қатъий ва сўзсиз риоя этсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари, шунингдек, иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарлари ўзлуксиз икки чорак давомида ёки йил давомида уч чоракда прогноз кўрсаткичлари бажарилмаганлиги тақдирда уларнинг аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлари қониқарсиз, деб топилиши ва эғаллаб турган лавозимларига нолойқлиги масаласи кўриб чиқилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ой муддатда иқтисодий комплекс ҳудудий органлари раҳбарларининг аҳоли бандлиги ошишини таъминлашда моддий рағбатлантириш ва шахсий масъулиятини ошириш тартибини, жумладан, тегишли прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва унинг бажарилишини назорат қилишни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 6 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига Ш А Р Ҳ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Қабул қилинган қарор янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодий тармоқлари корхоналари ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришда уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ йўналтирилган ва тизимли ишлар олиб боришда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекс ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини кучайтириш, шу асосда банд бўлмаган аҳолини, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларини ҳал қилишга қаратилган.

Қарорга мувофиқ 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб жойлардаги раҳбарларни моддий рағбатлантириш ва уларнинг шахсий масъулиятини кучайтиришнинг принципиал жиҳатдан янги тизими жорий этилмоқда. Унга кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимларига аҳоли бандлиги ўсишининг тасдиқланган ҳар чорак прогноз кўрсаткичларини бажарганлиги ёки бажармаганлиги учун лавозим маошларининг 15 фоизи миқдорда мос равишда мукофот берилади ёки жарима солинади, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарларига ҳамда иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларига эса улар лавозим маошларининг 20 фоизи миқдорда худди

шундай мукофотлаш ёки жарима солиш чоралари қўлланилади.

Қарорнинг муҳим жиҳати шундан иборатки, унда аҳоли бандлиги ўсишининг мезони сифатида аҳолини давлат ижтимоий суғурта ҳамда меҳнат ва пенсия қонунчилиги тизимлари билан қамраб олинган доимий, барқарор ишга жойлаштирилиши белгиланган. Айнан шундай бандлик шакли меҳнат кафолатларини ҳимоялаш, пенсия тўловларини амалга ошириш учун меҳнат стажини ҳисобга олиш, уй-жой сотиб олиш ва олий таълим муассасаларида ўқиш учун олинган кредитларни тўлашда солиқ имтиёзларига эга бўлиш ҳамда аҳолининг кундалик ҳаётида зарур бўладиган бошқа амалдаги қонунчилик меъёрларидан фуқароларимиз тўлақонли фойдаланишига барча имконият яратаети.

Шу муносабат билан қарорда жойлардаги раҳбар ходимларга мукофот бериш ёки уларнинг лавозим маошларидан жарима ундириш миқдорини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаётган аҳоли бандлиги ўсишининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳисобга олиниши белгилаб қўйилган.

Аҳоли бандлиги ўсишининг мамлакатимиз ҳудудлари, туман ва шаҳарлари кесимида прогноз кўрсаткичлари 2018 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган Аҳоли бандлиги дастури ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари билан тасдиқланган аҳоли бандлигининг манзилли ҳудудий дастурлари билан белгиланади. 2017 йилнинг учинчи ва тўртинчи чорақларида аҳоли бандлиги ўсишининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида прогноз кўрсаткичлари қабул қилинган мазкур қарор ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг тегишли қарорлари билан тасдиқланади.

Қайд этиш мумкинки, мазкур қарор билан Аҳоли бандлиги ўсишининг прогноз кўрсаткичларини бажарганлиги учун маҳаллий ижро

ҳокимияти органлари раҳбарлари ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш ва шахсий масъулиятини кучайтириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди ва ушбу низомда аниқ ва тасдиқланган маълумотларга асосланган ҳолда тегишли раҳбарларга нисбатан рағбатлантириш ёки интизомий жазолаш чоралари қўллашнинг аниқ, равшан ва шаффоф механизмининг жорий этиш кўзда тутилди.

Шунингдек, низомда банд бўлган аҳоли сони ва унинг ўсиши тўғрисидаги маълумотлар солиқ хизмати органлари ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотлар базасидаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўловчи жисмоний шахсларнинг идентификация рақами (СТИР) асосида шакллантирилади.

Низомга мувофиқ меҳнат ҳудудий бошқармаси, давлат солиқ бошқармаси ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бошқармаси аҳоли бандлиги ўсиши прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни ҳар чоракда шакллантириб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тақдим этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари олинган маълумотлар асосида уч иш кунини давомида туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ҳамда уларнинг биринчи ўринбосарларини мукофотлаш ёки уларнинг лавозим маошларидан жарима ундириш тўғрисида қарор қабул қилишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси олинган маълумотлар асосида уч иш кунини давомида аҳоли бандлиги ўсишининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги ахборотни ҳар бир ҳудуд бўйича шакллантириб, мазкур қарор

билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раислигида махсус ташкил этилган Маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларини аҳоли бандлигини ошириш учун моддий рағбатлантириш ва шахсий масъулиятини кучайтириш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича комиссияга тақдим этишлари лозим.

Низомга кўра Комиссия олинган маълумотлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини ва уларнинг биринчи ўринбосарларини моддий рағбатлантириш ёки уларнинг шахсий масъулиятини ошириш чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқади.

Шунингдек, тасдиқланган низомга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Марказий банк бир ой муддатда аҳоли бандлиги ўсишини таъминлаш учун иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш ва уларнинг шахсий масъулиятини ошириш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топшириги юклатилган.

Бунда иқтисодий комплекснинг тегишли ҳудудий органлари раҳбарлари учун аҳоли бандлиги ўсишининг кўрсаткичлари ва мезонлари сифатида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида ишга туширилган лойиҳалари, хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантиришнинг «йўл хариталари» ва тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, яқна тартибдаги ва оилавий тадбиркорлиқни, шахсий томорқа ва деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш бўйича ишга жойлаштирилган фуқаролар ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш, касб-ҳунарга қайта ўқитиш ва жамоат ишларига жалб этиш ҳисобига ишга жойлашган аҳоли сони қабул қилиниши лозим.

Алоҳида қайд этиш лозимки, қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари, иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарлари ўз иш фаолиятида иқтисодий тармоқлари кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш ва кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни, жумладан, жойларга чиққан ҳолда тизимли ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатиш, шу асосда банд бўлмаган аҳолини, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларини ҳал қилишга қатъий ва сўзсиз риоя этиш тўғрисида топшириқлар берилган.

Шу билан бирга, қарорда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекс ҳудудий органлари раҳбарларининг аҳолини иш билан таъминлаш бўйича шахсий масъулиятини кучайтириш тўғрисида меъёр кўзда тутилган бўлиб, унга кўра тасдиқланган прогноз кўрсаткичлари ўзлуксиз икки чорак давомида ёки йил давомида уч чоракда бажарилмаган тақдирда уларнинг эғаллаб турган лавозимларига нолойқлиги масаласи кўриб чиқилади.

Мазкур қарорнинг амалга оширилиши натижасида қуйидагиларга:

биринчидан, аҳолининг барқарор бандлигини таъминлашда тизимли ва аниқ йўналтирилган ишларни амалга ошириш учун маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекс ҳудудий органлари раҳбарларига керакли рағбатлантириш чораларини яратиш ва уларнинг шахсий масъулиятини кучайтиришга;

иккинчидан, давлат ижтимоий суғуртаси, меҳнат ва пенсия қонунчилиги тизимининг барча афзалликлари билан тўлиқ қамраб олинган доимий иш ўринлари ҳисобига аҳоли бандлиги ўсишига;

учинчидан, барқарор бандлиқни рағбатлантиришнинг янги механизмларини жорий этиш орқали аҳоли даромадлари ошишига ва турмуш даражаси сифати яхшиланишига, солиқ тушувлари ва пенсия ажратмалари базасини кенгайтиришга имкон яратилади.

Аҳоли бандлиги ўсишининг прогноз кўрсаткичларини бажарганлиги учун маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш ва шахсий масъулиятини кучайтириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

«ҚАҲРАМОНЛИК, БУРЧ ВА ФИДОЙИЛИК»

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг қамровли тадбирлар ўтказмоқда

ЎзХДП Марказий Кенгаши ходимлари 4 май куни эрта тонгданоқ пойтахтимизнинг Яккасарой тумани томон йўл олишди. Биринчи бўлиб, Қизилқум мавзесида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 99 ёшли Исроил ота Айходжаев хонадонига боришди.

Учрашув чоғида уруш инсоният бошига келтирган қулатлар, тинчликнинг қадри, бугунги фаровон кунлар ҳақида суҳбат бўлди. Отаҳон давлатимиз томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига қўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлардан миннатдор бўлиб гапирди.

Урушга кетганимда жуда ёш эдим. Тенгқурларим ҳам эндигина мактабни битирган 18-19 ёшдаги йигитлар эди, — деди кўзида ёш билан отаҳон. — Уларнинг ҳар бири урушдан соғ-омон қайтганча, ўқишни давом эттириш, оила қуришни орзу қиларди. Бугун орзуларини гапирган дўстинг эртаси куни жанг пайтида олов ичида қолиб кетарди. Ёки ёнганда ўққа учраб, ҳалок бўларди. Буларни кўриш азоб, даҳшат эди...

— Ҳа, Иккинчи жаҳон урушининг халқимиз ҳаётида қолдирган оғир асорати йиллар ўтса ҳам, ҳеч қачон унутилмади. Урушда юртимизнинг 1,5 миллион аҳолиси иштирок этган. Қарийб 500 минг нафари ҳалок бўлган. Демак, қанчадан-қанча оналар фарзандидан айрилган, қанча келинчақлар бева, минглаб болалар етим қолган, — дея отаҳоннинг фикрларини қўллаб-қувватлади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ОАВ билан ишлаш ва тарғибот-ташвиқот гуруҳи раҳбари Гулрух Тошматова.

— Тўғри айтаяпсан, қизим, — деди отаҳон. — Урушда ҳаммамнинг кўнглида «қани эди ватанимни, оила аъзоларимни бир бора кўрсам эди», деган истак бўларди. Уруш тугагач, «дўстининг онасига нима дейман, қўшимча болангиз ҳалок бўлди, деб қандай айтаман?», деган азобли савол билан уйга қайтдик. Урушда ҳалок бўлган ошна-оғайниларимнинг хотираси бир умр юрагимда яшайди. Улар билан суҳбатларимиз, қилган орзуларимизни эсламаган кунимнинг ўзи йўқ...

Партия фаоллари Исроил бобо билан узоқ суҳбат қуришди. Бобо бугунги дорил-омон кунларга шукрона айтиди, Ватани, халқи эъзозиди эканлигини мамнунигини билдирди. Тинчлигимизга кўз тегмасин, дея дуо қилди.

— Отаҳон, биз сизларнинг олдингизда доим қарздоримиз, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улуғбек Вафоев. — Сизларнинг



Онаҳон уруш йилларида қўрган-кечирганларини бизга айтиб берди.

— Ёшлигимни хотирласам, кўз олдимга уруш йиллари келади. Аини ўйнаб-қуладиган, шижоатга, ғайратга тўлган чоғимиз уруш даврига тўғри келди. Одамларда ҳаловат йўқолган, бир бурда нонга зор эдик. Урушда қанчалаб даҳшатли воқеаларни кўрдик. Ёш йигитлар нобуд бўлиб кетди. Буларни эсласам, бугунги кунларимизни кўзимизга суртиш керак, деб ўйлайман. Уша ортда қолган оғир кунларимиздан ҳулоса чиқариб, фарзандларимга, невараларимга «Тинчликнинг қадрига етинглар, бугунги кунларга шукр қилинглар», дея ўқтираман.

Олмазор тумани Шифонур кўчасида яшовчи Вера Шарипова ҳам Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. У уруш йилларида бошидан кечирган оғир кунлар ҳақида бизга сўзлаб берди.

Шу куни Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронтоти меҳнат фахрийларига партиянинг эсдалик совғалари тақдим қилинди.

Кексаларимиз билан суҳбатдан сўнг бир ҳулосага келдик: Инсониятга мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган бу урушни унуттишга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ. Тинчликни кўзқорачигидек асраш барчамизнинг бурчимиздир.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Амалий семинар

БАНКЛАР КРЕДИТЛАРИ ЭВАЗИГА

ёшлар ўз лойиҳаларини амалга оширишмоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда

Оққўрғон туманида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамкорлигида «Партиянинг Сайловолди дастури ижроси: амалий ишлар ва мавжуд муаммолар» мавзuida семинар ўтказилди.

Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши ходимлари, тумандаги тижорат банклари, Давлат солиқ инспекцияси, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бирлашмаси ва Бандликка қўмаклашиш маркази мутахассислари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Дастлаб Оққўрғон агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежиде меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда барча ташкилот ва корхоналар ўзларининг бўш иш ўринлари билан қатнашди.

— Мактабгача таълим муассасасида спорт, мусиқа йўналишлари каби бир неча тўғараклар фаолият кўрсатмоқда, — дейди 11-МТМ ходими Шохиди Авилов. — Инглиз тили тўғрисида ҳам ташкил қилмоқчимиз. Мазкур ярмаркага ушбу тилини чуқур биладиган мутахассис топиш мақсадида келдик. Ота-оналар ҳам фарзандлари инглиз тилини ўрганишини хошламоқда. Шунингдек, бизга олий маълумотли психолог ва ҳамшира ҳам керак.

— Меҳнат ярмаркасида олти бўш иш ўрни билан қатнашяпмиз, — дейди Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази туман бўлими иш юритувчиси Раъно Алиасқарова. — Тошкент тиббиёт академияси икки нафар битирувчиси билан уч томонлама шартнома имзолади.

— Банкдан кредит олиб, ўз ишини бошлаганлар сафи кундан-кунга кенгаймоқда, — дейди «Агробанк» туман филиали бош мутахассиси Жалолиддин Толипов. — Кўпчилик иссиқхона қуриш, асалари бокшиш ва паррандачиликни йўлга қўйиш мақсадида бизга мурожаат қилимоқда. Бугунги ярмаркада ҳам кредит олишни истаганларга

маслаҳатлар ва амалий ёрдам бердик. Дастлаб банк ходимлари аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш учун хонадонма-хонадон юрган эди. Бунинг натижасида туман аҳолисининг иш билан бандлиги сезиларли даражада ошди.

Меҳнат ярмаркаси якунлангач, шу ерда ўқувчилар иштирокида семинар ташкил этилди. Унда Банклар томонидан тақдим этилаётган имтиёзли кредитлар, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан маслаҳатлар, маълумотлар берилди.

Семинар давомида кўнча Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан фуқаролар қабул қилинди.

Бугунги амалий семинарда иштирок этган ёшлар билан суҳбат қурганимизда уларнинг мустақил фикри, интилишлари, пишиқ-пуста ўйланган бизнес лойиҳалари борлигига ғувоҳ бўлдим, — дейди ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Меҳрозиiddин Дархонов. — Бундан кўриниб турибдики, ёшларимиз мамлакатимизда кечаётган ислохотларнинг кузатувчиси эмас, балки иштирокчисига айланмоқда. Марказий банкнинг вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш мақсадида имтиёзли кредит олиш имкониятини берувчи сертификатлар топширдик.

Одамларда эртанги кунга бўлган ишонч тобора мустаҳкамланмоқда, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши Депутатлик бирлашмаларининг ишмери мувофиқлаштириш ва Жамоатчилик қабулхоналари билан ишлаш бўлими мудири Боймурод Юсупов. — Семинарда банклар ходимларини бекорга тақлиф қилганимиз йўқ. Улар ёшларга керакли йўл-йўриқларни кўрсатишди. Бу уларга нафақат ўзини, балки тенгқурларини ҳам иш билан таъминлаш имкониятини



беради. Оддий бир мисол: битта яхши пайвандчи бўлса, эртага у ўзи ва 5-6 кишини иш билан таъминлайди. Ҳамма жойга пайвандчи керак. Демак, мана шу нуқтага назардан ёшларга кўрқмасдан банклар томонидан тақлиф қилинаётган имтиёзли кредитларни олиб иш бошлаш кераклигини тушунтиришимиз зарур.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида «Микрокредитбанк»дан имтиёзли кредит олиш имкониятини берувчи сертификатга эга бўлдим, — дейди Агросаноат ва тадбиркорлик коллежи битирувчиси Абдулазиз Холматов. — 20 сотих еримиз бор. Кичик иссиқхона қуришимиз. Мазкур кредитга иссиқхонани кенгайтирмоқчиман.

Семинар якунига етган, банклар томонидан имтиёзли кредит олиб ишини бошлаган ёш тадбиркорларнинг уйларига борилди.

Беданачилик билан шуғулланиш мақсадида «Микрокредитбанк»дан 7 миллион 400 минг сўм миқдорда кредит олган эдим, — дейди Исламобод маҳалласида истиқомат қилувчи ёш тадбиркор Саиджон Шарифхўжаев. — Ушбу маблағга 2500 жўжа олдим. Бугун беданаларни парвариш қила бошлаганимга 20 кундан ошди,

ўзгариш катта. Яна 20 кундан сўнг туҳум олишни бошлаймиз. 50-55 кун ичида уларнинг 70-80 фоизи туҳумга киради. Ишларимиз юришиб кетса, фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштирганмиз.

«Агробанк»дан 6 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олганман, — дейди ёш тадбиркор Рустам Бакиров. — Ушбу маблағ ҳисобидан 2 сотих ерга 2 та иссиқхона барпо қилдик. Биттасига бўлғор қалампир, иккинчисига бодринг эдик.

Ўғлим Рустамнинг ишларидан кўнглим тўқ, — дейди Раҳмонали Бакиров. — Ёшларимизга доимий эътибор бераётгани учун давлатимиздан миннатдорман. Тўртинсин тан олиш керак, бундан 3 ой олдин битта иссиқхона қуришга ҳам қурбимиз етмас эди. Банк кредити эвазига иссиқхонани тезда ишга туширдик. Бунинг натижасида оиламиз иқтисоди яхшиланди. Ҳамма фойдали меҳнат билан банд. Ўғлим келгусида фаолиятини ривожлантириб, янги иш ўринлари яратмоқчи. Мен ҳам унга ўз маслаҳатларимни бериб турибман. Келажақдан умидимиз катта...

Шаҳбоз САИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

ЎзХДП аъзолари, бир гуруҳ кўнгилли ёшлар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини байрам билан табриклаш мақсадида хонадонларга боришини эшитиб, биз ҳам уларга ҳамроҳ бўлдик.

Тинчлик учун курашганлар ҳеч қачон унутилмайд

Йўлда ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Хайдар Бобохонов билан суҳбатлашиб кетдик.

— Чилонзор туманида умргузaronлик қилаётган 20 нафар уруш қатнашчиси ҳамда меҳнат фахрийларининг хонадонига бўламиз, — дейди у. — Биз уларни тез-тез йўқлаб туришга ҳаракат қиламиз. Кўнгилли, ташаббускор ўқувчи-ёшлар, партия фаоллари нурунийларнинг уруш хотираларини диққат билан тинглашди ва ҳар гал ўзларига керакли ҳулосаларни чиқариб олишди. Бугун ҳам халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Чилонзор туман кенгаши фаоллари ва Чилонзор туман автомобил йўллари касб-ҳунар коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамроҳлик қилишмоқда.

Дастлаб Чарх Комолон-3 маҳалласида истиқомат қилаётган, уруш йилларида ҳамшира бўлиб хизмат қилган Қумри Усмоновнинг уйига кирдик. Юзидан нур ёғилиб турган онаҳон ўз хотираларини ҳаяжон билан сўзлаб берди.

— Отам урушга кетиб қайтиб келмади, — дейди у. — Онам 28 ёшида бева бўлиб қолди. Беш бола етимликда вояга етдик. Эсласам, ҳали-ҳамон этим жунжикади. Онам кундузи ҳамширалик қилар, кечалари тикувчилик қиларди. Онамга ёрдам бўлиши учун мен ҳам ҳамширалик қила бошладим. У кунларни эслашнинг ўзи даҳшат. Кимнингдир қўли йўқ, яна кимлардир оёғини урушда қолдириб келган. Дори-дармон тақчил, қорни тўйиб овқат ея олмаган ярадорларнинг оғриқдан инграганлари қулоқларим остида ҳақиқатга кетмайди. Уларнинг ҳар бирининг ўз тарихи, йўлига кўз тиккан яқинлари бор эди. Ногирон бўлиб қолган, мени оиламга ҳалок бўлди, деб айтиб, деганлар ҳам бўлди. Бир ярадорнинг сўзлари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Икки қўлидан айрилган ёш йигит илтимос қилди. Бир умр менга қараб эзилгандан кўра, бир марта куйишсин. Урушда ҳалок бўлди, деб хат ёзиб беринг, деди...

Уруш йилларида ҳар бир аёл тинчлик учун, болалари келажаги учун курашди.

Шу куни партия фаоллари ва йигит-қизлар билан биргаликда Любовь Иванова, Муродхўжа Ишонходжаев, Шахло Тулаганова хонадонларида ҳам бўлдик. Шундан сўнг Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Жасур Қулмухаммедов бизни Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилаётган коллеждаги тадбирга тақлиф этди.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар чоғида шунга амин бўлдикки, юрт учун, халқ учун хизмат қилган, ҳаётини бағишлаганлар ҳеч қачон унутилмайд.

Махлиё АЛИКУЛОВА

Яратилган имкониятлардан фойдаланаётганлар кам бўлмаяпти.

ТАНИҚЛИ КИМЁГАР ОЛИМ ЭДИ

Айтадиларки, тарих кўп силсилаларни бошидан кечирган табаррук, кекса инсонга ўхшайди. Унинг ҳамиша теран ва ўйғоқ нигоҳлари олдидан не-не хонлар, не-не султонлар, уламолару фузалолар ўтадилар.

Инсон умри — ўлчовли. Ундан қандай фойдаланиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.



Хоразм вилоятининг Богот тумани «Дехқонбозор» қишлоғида бундан етмиш йил муқаддам Содиқжон эшон хонадонидан дунёга келган Баҳовуддин илмга чанқоқлиги, закий қалб, теран мушоҳадалиги, мустаҳкам хотираси билан республикамизнинг таниқли кимё олимларидан бирига айланди. Профессор Содиқжоннинг кимё фани бўйича илмий мероси бир юз эллик табоқдан кўпроқни ташкил қилади. Булар — ўттиздан ортик мақолалар ва бир қанча йirik ҳажмдаги рисоалардир.

1987 йилда Тошкентда «Органик кимё назарий асослари» номи ўқув қўлланмаси нашр қилинди. Унинг муаллифлари профессор Саъдулла Искандаров ва доцент Баҳовуддин Содиқовлар эди. Энг эътиборлиси, мазкур ўқув қўлланма органик кимёнинг назарий масалаларига бағишланган ўзбек тилида ёзилган ва нашр қилинган ягона китобдир. Муаллифлар асарнинг иккинчи жилдини тайёрлаш учун ҳамкорликда яна йигирма йил ишладилар.

Собиқ шўролар даврида бошқа бир қатор аниқ фанлар қатори кимё фанидан ҳам

ўзбек тилида яратилган дарсликлар йўқ ҳисоби эди. Устоз ва шогирд бу вазиятда, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, жасоратга қўл урдилар — ўз она тилимизда ўқув қўлланмаси яратишга киришдилар ва бу ишни муваффақият билан амалга оширдилар. Мазкур ўқув қўлланмасининг биринчи ва иккинчи жилди фақат истиқлол йилларига келиб дунё юзига кўрди. 85 босма табоқ ҳажмдаги бу ўқув қўлланмаси кимё фанидан сабоқ олаётган ёшларга энг қўлай, мукамал қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда — уларни бу соҳада илмий изланишлар олиб боришга ундамоқда.

Саъдулла ИСКАНДАРОВ, академик:

— Баҳовуддин мен доимо фахрланиб юрадиган, энг салоҳиятли, энг садоқатли шогирдларимдан эди. Хали 1970 йилда аспирантурага ўқишга кирганидаёқ унинг гоятда зийрак ақл эгаси эканлиги, теран дунёқараш мени ҳайратда қолдирган. У серқирра олим эди. Тарих ва фалсафани соҳа мутахассисларидан кам билмасди. Маъмун академиясида ўтказилган халқаро илмий конференцияларда ўрта асрлар Шарқ

ренессанси ва Ибн Синонинг фалсафий қарашлари ҳақидаги маърузаларини илмий жамоатчилик ҳали ҳамон эслаб юради.

Анвар АБДУШУКУРОВ, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети кимё факультети органик кимё кафедраси профессори, кимё фанлари доктори:

— Органик кимё назарий асослари қўлланмаси дарслик сифатида ўқитувчилар, органик кимё чуқур ўрганиладиган олий ўқув юртлари талабалари томонидан севиб ўқилмоқда ва органик кимёнинг назарий асосларини мукамал ўрганишда жуда қўл келмоқда. Баҳовуддин Содиқов ўз умрини ёшларга билим бериш, элга хизмат қилишдек улуг ишларга сарф қилди. Салкам қирқ йил давомида Урганч давлат университетида кафедра мудири, факультет декани, ўқув ишлари бўйича проректор каби масъулиятли лавозимларда ҳалол ишлаб, кўплаб ёшларга устозлик қилди.

Шавкат ҚОДИРОВ, Хоразм Маъмун академияси раиси:

— Ҳалол ва самимий олимнинг атрофида шогирдлар

кўпроқ тўпланади. Айниқса, устоз жонқуяр ва талабчан бўлса. Мен домла билан ёнма-ён туриб, ҳамнафас бўлиб ишлаганман. У кишида аввало билим, қолаверса, юксак маданият мужассам эди. Ўз соҳаси бўйича етук мутахассис бўлиши билан бирга кенг дунёқарашли, мулоҳазали, ширин сўз инсон эди.

...Туркий оламнинг буюк донишмандларидан бири Юсуф Хос Ҳожиб: «Қилич ишга тушганида эл-юрт тинчлиги бузилади, қалам ишга солиниб, эзгу йўл-йўриқлар тузилади», дейди. Биз хотирлаётган машҳур кимёгар олим бадий ижодга ҳам ошно инсон бўлган. У кишининг уйдаги бой кутубхонасини кўриб, нафақат биз журналистлар, ҳамкасблари ҳам ҳавас қилишарди. Унинг тенгқурларининг эслашича, у ёшлигида журналист бўлишни орзу қилган, ҳали мактабда ўқиб юрган кезларида турли мавзулардаги мақолалари маҳаллий нашрларда тез-тез чоп қилинган. Ижодий иш у кишида вақтинчалик ҳавас бўлмай, балки бир умр йўлдоши бўлди. Илмий изланишлардан бўш қолган вақтларида қўлига қалам олиб, ўз қалб туйғуларини қоғозга тўкканлар — бир-биридан мазмундор, бир-бирига ўхшамас фалсафий руҳдаги шеърлар, тўртликлар ва ҳатто ғазаллар ёзган. Янада ҳайратланарлиси, у киши рус тилини мукамал билганидан шу тилда ҳам фалсафий руҳдаги шеърлар ижод қилган. Умри поёнлаётган кезларда «Тилак. Имконият ва Орлик» деб номланган фалсафий қиссани ёзишга киришди. Афсуски, огир хасталик олимга бу қиссани якунлашга имкон бермаган.

Олимнинг бадий ижоди ўйлашимча, инсон ва ҳаёт аталмиш борлиқни тушунишга уриниш эди.

Баҳовуддин Содиқовнинг нафақат шогирдлари, балки фарзандлари ҳам унинг номига муносиб бўлишга ҳаракат қилишмоқда. Тўнғич ўғли Саидкамол замонавий ахборот технологиялар бўйича етук мутахассис, вилоятда ушбу соҳани ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. У ахборотлаштириш маркази раҳбари сифатида қорхона ва ташкилотларда энг янги ахборот тизимларини шакллантириш, уларни жорий қилиш, ахборот алмашинуви, ахборот юртимизда бўлаётган ислохотлар қўли билан яқиндан хабардор қилишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиш ва татбиқ этилишига бош бўлмоқда. Иккинчи ўғли Содиқжон шифокор-кардиолог. Учинчи ўғли Юсуфжон иқтисодчи, АҚШнинг Калифорния ва Буюк Британиянинг Лондон шаҳарларида тахсил олган. Бугун вилоятнинг саноат соҳасидаги экспорт салоҳиятида ўз ўрнига эга бўлган йirik хорижий қорхонага раҳбарлик қилмоқда. Кенжа фарзандлари Собиржон ва Шомуродлар олий маълумотли мутахассис, тадбиркорлик билан шуғулланишмоқда.

Яккаю ягона қизи Сабоҳат отасининг издоши саналади. Бугунги кунда у кимё фани бўйича докторлик диссертацияси устида ишламоқда.

Инсондан эзгу амаллар, қолми фарзандлар ва шогирдлар қолса — бу унинг иккинчи умридир. Таниқли кимёгар олим Баҳовуддин Содиқовнинг ҳаёт йўли бу ҳақиқатга яққол мисол бўла олади.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Бокс: Осиё чемпионати

10

ИМКОНИЯТДАН 9 ОЛТИН МЕДАЛЬ



Ҳасанбой Дўсमतов



Шахрам Гиесов



Иқболжон Холдоров



Жасурбек Латипов

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида Осиё чемпионати якунига етди. Илгари хабар қилганимиздек, финал жанглирининг биринчи кун 4 нафар боксчимиз рингга чиқиб, барчаси ғалаба қозонган эди. Финал ўйинларининг иккинчи

Баҳодир Жалолов

кун 5 нафар боксчимиз чемпионлик учун жангга чиқиб, уларнинг ҳар бири юксак маҳорат намоиш этиб, Осиё чемпиони бўлди. Шундай қилиб, мусобақада қатнашган 10 нафар боксчимиздан 9 нафари олтин медални қўлга киритди. Боксчиларимиз бу ёрқин ғалаба билан Хотира ва қадрлаш кунини муносиб қутиб олишди. Ўзбекистон спорти юксалиб бораётганини яна бир бор намоиш этишди.

Барча мухлислар маҳоратли боксчимиз Ҳасанбой Дўсमतов (-49 кг.) рингга чиқишини ҳаяжон билан кутаётганди. У рақибни мўғулистонлик Ган Эрдене Ганхуянг билан бўлган учрашувда ишончли ҳаракат қилиб, ғалабани қўлга киритди. Рио Олимпиадаси олтин медали совриндори ҳисобланган ҳамюртимиз кетма-кет иккинчи маротаба Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлди.

-52 кг. вазн тоифасида Осиё чемпионатида қатнашган боксчимиз Жасурбек Латипов финалдаги жангидан Жанубий Корея вакили Ин Кю Ким устидан ғалаба қозонди.

Иқболжон Холдоров (-64 кг.) Мўғулистон терма жамоаси аъзоси Чинзориг Батарсухга қарши бўлиб ўтган жангга рақибидан устунлигига ҳеч қандай шубҳа қолдирмади.

Боксчимиз Шахрам Гиесовнинг (-69 кг.) финал жангини барчамиз алоҳида қизиқиш ва ҳаяжон билан кутгандик. Юртдошимиз қозғонистонлик таниқли боксчи Аблайхон Жусупов устидан ишончли ғалабага эришди.

Энг оғир вазнли боксчилар ўртасида рингга кўтарилган Баҳодир Жалолов финалда Қозғонистон вакили Қамийбек Қонақбаевни мағлубиятга учратди.

Мусобақа якунларига кўра, ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси Ҳасанбой Дўсमतов мусобақанинг энг яхши боксчиси, деб топилди. Унга қўлқопнинг энг яхши боксчиси учун бериладиган мукофотни Осиё бокс конфедерацияси президенти Серик Қонақбаев топширди.

Маълумот учун айтиш керакки, Ўзбекистон терма жамоаси Осиё чемпионатида 10 та имкониятдан 9 та олтин медални қўлга киритиб, китъа чемпионати тарихида ўзига хос рекорд ўрнатди.

Шу кунгача Осиё чемпионатларида икки марта Жанубий Корея терма жамоаси (1965 йил Сеулда, 1987 йил Кувайтда) 8 та олтин медалга эга бўлган эди. Ўзбекистон Осиё рекордини янгилаган ҳолда жорий йилнинг 23 август — 4 сентябрь кунлари Германиянинг Гамбург шаҳрида бўлиб ўтadиган жаҳон чемпионатида тўлиқ таркиб билан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси — биринчи (9 та олтин медал), Қозғонистон вакиллари — иккинчи (1 олтин, 3 та кумуш ва 4 бронза), Ҳиндистон ва Мўғулистон терма жамоалари эса учинчи ўриндан жой олишди (2 тадан кумуш ва биттадан бронза медал).

Шаҳбоз САИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Газетанинг навбатдаги сони 13 май, шанба кун 1 чикади.

Медиа-тадбир

Таҳлилий ва танқидий ёндашув адолатли жамият қуришда ҳал қилувчи омилдир

Пойтахтимизда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида «Ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ёритишда таҳлилий ва танқидий ёндашувлар — очик, адолатли ва инклюзив жамият қуришда ҳал этувчи омил» мавзусида медиа-тадбир ўтказилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат тузилмалари, халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари, дипломатик корпус вакиллари, ОАВ ходимлари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати раиси ўринбосари Светлана Ортиқова бугун одамларни ўйлантираётган, жамият равнақига тўсиқ бўлаётган масалаларнинг илдизига чуқур кириб бориш, халқимиз билан самимий, яқин, янада ошқорча мулоқот ўрнатиш оммавий ахборот воситалари ходимларидан катта масъулият, ижодий изланиш, танқидий таҳлилий ёндашувни талаб этишини таъкидлади.

— 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз медиатизацияси фаолиятини тақомиллаштиришда ҳамда самарадорлигини оширишда муҳим дастурий амал бўлмоқда, — дейди Олий Мажлис ҳузуридаги

Нодавлат нотиҳорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси Акмал Саидов. — Бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд босма нашрларнинг 53 фоизини, телерадиоканалларнинг 85 фоизини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этади. 330 дан зиёд веб-сайтлар оммавий ахборот воситалари сифатида рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг аксарияти нодавлат сектор улушига тўғри келмоқда. Медиа тузилмалар ҳозирда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган миллий ва эллатларнинг 7 тилида фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, ахборотлар ва телерадиомаҳсулотлар қатор хорижий тилларда ҳам тарқатилмоқда. Бундан ташқари, янги телерадиоканалларнинг ташкил этилаётгани аҳолига ранг-баранг, янада мазмунли, ўзига хос кўрсатувлар тақдим этиш имконини бермоқда. Республикаимиздаги оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият кўрсатиши учун самарали қонунчилик базаси шакллантирилмоқда.

Тадбир сўнггида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширилаётган ишларни фаол ёритишнинг телевидение ҳамда радио журналистларига сертификатлар топширилди.

Тоштемир Худойкулов, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Реклама

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin MUHIDDINOV

Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 538

14582

nuxxada bosildi.

Sotuvda kelishilgan narkoda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21:40

Topshirilgan vaqti — 22:40

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

772010763006

1 2 4 5 6



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI